

ЗАМОНАВИЙ ТАСВИРИЙ САНЪАТДА МУМТОЗ АНЪАНАЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

Мумтоз – миллий ва жаҳон бадиий маданияти хазинасини ташкил этган, кўпчилик томонидан тан олинган машҳур асарлар силсиласи¹. Миниатюра ўз ғоя ва ечимига эга бўлган мумтоз аънава бўлиб. Аънава — маълум бир шахс томонидан киритилган янгиликнинг қонун-қоидалари ва ижодкорлар гуруҳи бу янгилик қоидаларини бузмаган ҳолда аънава сифатида давом эттириш, ўзига хос янги мактабни шакллантиради. Шу жумладан, VI-VII-VIII асрларда яратилган деворий суратлар Афросиёб, Варахша, Болалик тепа,² XV-XVI асрларда ёзиб қолдирилган қўлёзмалар “Хамса”³(Низомий, Навоий), “Бобурнома”⁴, “Зафарнома”ларга ишланган миниатюра мактабларидаги аънавалар ҳам. Миниатюра - ишланилиши бўйича нафис ва нозик асарлардир. Бу мактаблар аънаваларининг такрорланмаслиги, ажойиб технологияси — соддалиги мураккаблигида, мураккаблиги эса соддалигида эканлиги катта илмий ва бадиий қизиқишларга сезиларли таъсир кўрсатган.⁵ Ҳалигача камчилик ва ютуқлари билан бирга ҳайратимизга сазовордир. Уларнинг композицияларида ҳар бир манбанинг жойлашиш ечими, яхлитлик, ранг ва шакл ритми, каби омилларни чуқур анализ қилиш мумкин.

¹(Классика, классицизм). www.ziyouz.com. кутубхонаси 811

² Пугаченкова Г.А. Рампель Л.И. Очерки искусства Средней Азии.1982.

³ Х.С.Сулаймонова. Миниатюры к Хамсе Низами. Ташкент Фан,УзССР. 1985.

⁴Х.Сулаймон. Миниатюры к Бабур-наме. Ташкент Фан,УзССР. 1970.

⁵ А.А.Абдуразаков М.К.Камбаров. Реставрация настенных росписей Афрасияба–Узбекской ССР Ташкент Фан, 1975.–3 от ответственного редактора А.С.Садыков

Мумтоз анъаналарни ижодларида боғлай олган Уста Мўмин, Александр Волков, Чингиз Ахмаров, Ниёзали Холматов, Алишер Мирзаев, Акмал Нур, Абдухаким Каримов каби рассомлар композицияларида ўз ифодасини топган мавзулар кузатилганида эстетик завқ олиш билан бирга мумтоз анъаналарнинг салобатли синтези яққол сезилади. Мисол учун: Александр Волковнинг “Чойхона” 1920 йиллар, к.м. 56×95. ЎДСМ, Тошкент “Эшак минган чол ва бола” 1927 й., м.м. 94×93. ЎДСМ, Тошкент, “Туялар карвони кўнғироқлари” 1926й., м.м. 39×127. ЎДСМ, Тошкент, “Туялар карвони” 1917 й., м.м. 37×74 ЎДСМ, Тошкент, “Ўзбекона байрам” 1926-1927 йиллар, қ.т.л. ЎДСМ, Тошкент⁶ асарларида мумтоз анъаналарга хос бўлган декоративлилик ва фигуративлиликни дастгоҳли ранг тасвир жанрида ўрин тутган кубизмнинг элементлари орқали синтез қилганини сезишимиз мумкин. Уста Мўминнинг асарларидаги ҳам авангардизм ғоялари мумтоз анъаналарнинг композицион ечими, яхлит ранглаш технологияси, декоративликдан илхомлангани ҳам, шарқона кўринишдаги дастгоҳли ва китобот композицияларида ўз ифодасини топган. Масалан, “Беданабоз”, “Хаёт йўли”, “Куёв”, “Насриддин Афнди” китобига ишланган туркум ишларида⁷ кўринади.

Санъат оламидаги баъзи инсонлар, замонавий мавзуларнинг талқинидаги мумтоз санъатнинг ўрни ва ахамиятини уларнинг ўзаро боғлиқлигида деб хисоблайдилар. Худди кубизм пойдеворининг мустаҳкам асоси академизм бўлганидек. Лекин, таассуфки академизмда билими етарли даражада бўлмаса ҳам кубизм йўналишида асар яратиш мумкин дейдиганлар ҳам йўқ эмас. “Хар бир ижодкор ғояни онгга атроф-мухит орқали етказилган маълумотларни юракдан ўтказиб кейин қоғозга туширади — буни хис-туйғу (интуиция)” — дейди рассом ва санъатшунос олим Е.А. Кибрик. Интуицияни анализ (мушохада) қилиш асарни илмийлигини оширади. Яхлитлик,

⁶ Волков А.Н. Карвон ўз йўлида давом этади. —Тошкент: ЎзБА, 2006.

⁷ Уста Мўмин. —Тошкент: ЎзБА, 2006.

зиддиятли ранг ва шакллар харакати анализ туфайли мазмунга эга бўлади.⁸ Янгилик йўлидаги фаолиятимиз учун бизга доимо анализ натижасида хосил бўлган синтез керак бўлади. Яъни, мумтоз санъат анъаналаридаги гўзаллик ечимини анализ қилиш ва уни замонавий мавзулар талқинида синтезни боғлай билиш асарнинг пойдевори бўлмиш композиция, ранг ва ритм каби мезонларни асослаб беради.

Икки ўлчамли ранг тасвир соҳасида ҳозирги кун руҳиятини ифодаловчи мавзуларни ёритиш учун олиб борилаётган ижодий жараён Мумтоз санъат анъаналарини ўрганиб, ундан фойдаланиш ўз ижобий натижаларини бермоқда. Замондош рассомларимиз Ниёзали Холматов, Алишер Мирзаев, Акмал Нур, Абдуҳаким Каримов кабиларнинг ижод маҳсуллари ҳам, янги ҳозирги замон санъат турлари ҳам вақти келиб мумтоз санъат сифатида тан олинishi ёки анъанага айланиши мумкин. Замонавий мавзулар; цирк, парк, зоопарк, аквапарк, космонавтлар ва х.к. ёки оддий оила мавзусини ҳам ёритишда уни замонавий руҳиятини очиб беришда дуч келинадиган муаммо бу моданинг оммалашуви бўлиб, шу туфайли замон руҳиятини етказиб беришда ўзига хослик йўқолмоқда. Энди биз кийим орқали баъзида одамларни ажрата олмаймиз. Мумтоз санъатни таҳлил қиладиган бўлсак давр муҳитидаги ҳар бир инсоннинг ўз вазифасига қараб кийимлар бичилгани ва унинг ифодасини кўришимиз мумкин. Бу даврда ингичка лаб, ихчам бел нафақат инсонларда, хаттоки отларда ҳам қўлланилганлиги урфдан далолат беради. Ҳозирги замонда юзлар ҳам ўзгариб кетганлиги Акмал Икромжоновнинг ижодий изланишларидаги юзлар⁹ билан солиштириш инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир. Балки, шунинг учун ҳам ҳозирги замон руҳиятини беришга ХХI аср технологиясидан фойдаланмоқдамиз.

Янгиликлар эски камчиликларни тўлдириб янги камчиликларни туғдиради. Мисол учун санъат соҳасида кетма-кет пайдо бўлган

⁸ Учебное пособие для педагогических институтов. Рисунок Живопись Композиция хрестоматия. –Москва: Просвещение, 1989 й.

⁹ Акмал Икромжонов “Биз 19 асрдамиз”(Асрлар бўлаклари). м.м. 160×150. 2009 “Адрас”(Асрлар бўлаклари). м.м. 160×120. 2009

измлар(соцреализм, кубизм). Ривожланиш йўлидаги кичик ёки катта ўзгариш ижобий ва салбий натижалар сабабчисидир. Е. А. Кибрик “санъатдаги ғоя ечими мавзу танлашда эмас, балки рассомнинг ҳаётга бўлган муносабатидадир” деган эди. Бу фикрга қўшиламан, чунки муносабатни тўғрилаш, бефарқ бўлмаслик камчиликни тўлдиради. Бефарқлик янгиликни енгади. Ҳаётга муносабат билдириб ишланган суратлар ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Ҳаёлий тасаввурлар ёки метафоралар билан ёзилган асар эса орзу ва ниятга ўхшаб қолади. Тасвирий санъатнинг кичик бир сири ҳам катта ютуғи ҳам шундаки, ғояни ифодалашда интуиция ва анализ (хистуйғуни мушоҳада қилиш) орқали ихлосмандга етказа олишда, янгилиги борлиққа боғлиқлигидадир.

Ҳамма замонавий нарсалар вақти келиб эскирган. Ҳар қандай анъана асрлар давомида, (эволюцион жараён) ривожланишлар сабабли бир қисми ўзгариб, қайсидир қисми сақланиб қолади. Масалан, мақсади ўзгариб моҳияти сақланиши ва аксинча, бўлиши мумкин: Қадимда яшаш учун ёки турли мақсадда фойдаланиш учун қурилган ва моҳирона ўлчамлари, нақшинкор ёзувлари билан кишини хайратлантирган меъморий ансамбллар, бугунда зиёрат манзилгоҳларига айланган. Хозирги кун тасвирий санъатида ҳам услублар (стиль) ва ечимлар(число фибаначе, касмагония, золотое сечение ва х.к) мавжуд. Баъзи замондош рассомларнинг асарларида ҳам мумтоз санъатнинг кўриниши ўзгариб, ечими ёки технологияси ва яна қайсидир жиҳатлари сақланиб қолиши ва аксинча бўлиши мумтоз санъатни кўчириш эмас, янгисини яратишга бўлган ҳаракатдир. Биз тарихнинг техника ва нано технологиялар ривожланган кунда таълим олмақдамиз. Ривожланишни давом эттириш учун ҳам ундан иш жараёнида фойдаланишимиз ва эзгу мақсадлар сари йўналтиришимиз зарур. Ҳамма соҳада, шу жумладан тасвирий санъат билан амалий санъат соҳаларида ҳам технологиянинг ўрни билинмоқда. ХХІ аср Компьютер технологиялари кириб келаётган муҳитда яшаб туриб баъзида санъатдаги ўзгаришларга қўшилишимиз ва қарши бўлишимиз табиий ҳолат, чунки қоникмаслик

кўпинча ривожланишга муҳит ва сабаб бўлади. Бир кам дунё, бу дунё ривожланган ёки ривожланмаган муҳит бўлишидан қаттиқ назар эътирозлар бўлиши, бир нарса ҳаммага бирдек ёқмаслиги, беш қўл баробар эмаслигидек бор ҳақиқатдир. Қадимда маълум бир манзилга от-уловда 10 соатда бориб етган бўлсалар, ҳозирда техника тараққиёти орқали ярим, баъзида 1 соатда бу масофани босиб ўтмоқдалар. Бу ҳозирги замон қанчалик шиддат билан ривожланиб бораётганини билдиради. Компьютер технологиялари, ЭҲМ дастурлари, нано техника технологиялар ва ҳ.к.лар унинг талаби бўлган бир муҳитда ундан фойдаланмоқдамиз. Қадимда санъатнинг барча турларида геометрик чизиқларни соатлаб чизганлар (наққошлар гириҳларни ифодалашда, меъморлар мажмуаларни лойиҳалашда, ҳаттотлар космогонияни қўллаганларида, музаҳҳиблар ҳам, рассомлар ҳам геометрияга мурожаат этганлар), чунки геометрия - композициянинг ечимини топувчи омилдир. Фанимизга янгилик сифатида кириб келаётган ЭҲМ дастурларидан фойдаланиб, сониялар ичида геометрик ҳисоб-китобларни амалга оширмоқдамиз – бир қисминигина чизиб, қолганини техника ёрдамида кўпайтириш, катта ёки кичиклаштиришимиз, ҳаттоки композиция тузишимиз мумкин. Ҳозирга келиб шундай нано технология ва турли дастурлар чиқдики, қўл меҳнатисиз фақат инсон назорати ва буйруғи асосида санъат асарлари яралмоқда, - бу замон талаби, албатта. Уни қўллаб-қувватлаш керак, лекин мутлоқ топшириб қўйиш кўпчиликнинг фикрича тўғри эмас. Орамизда йўқ эмас, кўргазмаларда ишларини катта-катта баннерларда намойиш этаётганлар, баъзи ижодкорлар фото устидан ҳам ишлашади. Барибир ҳар қандай техника ижодкор меҳрини, био энергетик қувват тафтини бера олмайди. Одам қўл меҳнати билан ёзилган асарга қарасангиз юзингиз қизийди (Самарқанддаги Шохизинда-Бибихоним мақбараси, Камолиддин Беҳзоднинг миниатюралари, Чингиз Аҳмаров , Уста Мўмин, Александр Волков каби ўз касбининг маҳбуб ва маҳбубалари жуда кўп). асарнинг тафти қай даражада эканлиги ижодкорга боғлиқ. ЭҲМ дастурларида, компьютер техникасида, нано технологияларида беҳато ишлаши мумкин, чунки у ёпиқ

система, аммо одам - хато қилувчи, шу хислати билан таъсирлантирувчи. Техник воситалар ўзидан совуқлик чиқаради, совуқликнинг ҳаддан ошиши кўнгил қолишига сабаб бўлади. Ундан тинмай фойдаланиш инсон руҳияти ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши исботланган муаммодир. Техника иш қуроли худди қалам, бўёқ сингари. Лекин инсон қўли орқали ифодаланадиган юрак хис – туйғуси эмас. Ривожланиш маҳсули бўлган техника ва технологияларидан меъёрида, иш жараёнида, ишни тезлаштирувчи иш қуроли сифатида фойдаланиш керак, ишни бутунлай топшириш тасвирий санъат кучини камайтиради. Техник асарнинг қанчалик яшаб кетишини ҳали вақт кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда Юртбошимиз кўп таъкидлаганларидек, бизга мерос бўлиб қолган маънавий бойликларимизни асрашимиз, авлодларга етказишимиз, ўзимиз ҳам меросга арзигулик иш қилишимиз тарафдориман. Маънавий бойлик – маънавият ва маданият тимсоли, маънавият – инсон кўзгуси эканлиги, у қолдирган маънавий, маданий ҳамда моддий бойликлар мумтоз меросларимиз эканлигини кўпчилигимиз биламиз.

Илмий ишлар бўйича проректор
Илмий маслаҳатчи

Г. Қаршиева
А. Акбархўжаев